

# **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЗАМОНАВИЙ ТЕРРОРИЗМ НАМОЁН БЎЛИШИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Нурмурод Абдуосупович ДЖУРАЕВ**

цикл бошлиги

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маҳсус операцияларни  
мувофиқлаштириш бошқармаси Махсус тайёргарлик ўқув маркази  
Тошкент, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Мақолада “Талибан” ҳаракатининг ҳокимият тепасига келиши жараёни, минтақанинг Жанубий чегараларидан чиқаётган терроризм таҳди迪, Ўзбекистон томонидан террористик ҳаракатларга қарши кураш ва кўрилаётган чора-тадбирлар ва ёндашувлар баён этилади.

**Таянч сўзлар:** “Талибан” ҳаракати, янги Ўзбекистоннинг сиёсий ислоҳотлари, тартибга солиш сиёсати, минтақавий хавфсизлик.

## **ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО ТЕРРОРИЗМА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

**Нурмурод Абдуосупович ДЖУРАЕВ**

Начальник цикла

Учебный центр специальной подготовки  
Управления координации специальных операции  
Министерство внутренних дел Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан

## **Аннотация**

В статье рассматривается процесс прихода к власти движения “Талибан”, угрозы терроризма исходящего из южных границ региона, меры и подходы предпринимаемые Узбекистаном в борьбе и противодействию террористическим актам.

**Ключевые слова:** движение «Талибан», политические реформы нового Узбекистана, нормативно-правовая политика, региональная безопасность.

2021 йилнинг сентябрь ойида «Талибан» Афғонистон ҳудудини бутунлай эгаллаб олди. Бу қўшни Марказий Осиё давлатлари, хусусан Афғонистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистон учун катта муаммоларни юзага келтириши мумкинлиги борасида қарашларга сабаб бўлди. Минтақага катта миқдорда гиёҳванд моддаларнинг келиши, қочқинлар оқими кучайиши, доимий террорчилик ҳужуми таҳди迪 хақида фаразлар, янгиликлар кўпайиши хавфи ортди [1].

Биринчи навбатда, «Толибон»нинг ҳаракатлари, ҳозирча бу фаразларнинг аксини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, пессимилик прогнозларнинг кўплиги, Марказий Осиё давлатлари пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфга тайёр эмас, каби нотўғри хулосаларга асосланган эди. АҚШ ўз ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетиши анча аввал бошланган жараён эди, шунинг учун «Толибон»нинг хукуматни қўлга олишга яна бир бор уриниши кутилган ҳолат эди. Шунинг учун, толиблар билан мулоқот ўрнатиш ва уларни афгон жамиятининг таркибий кисми сифатида қабул қилиш зарурияти юзага келди. Ўзбекистон бундай қадамни биринчилардан бўлиб ташлади ва сўнгги 5 йил ичида толиблар билан анча дўстона алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси географик жойлашуви нуқтаи назаридан ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Бир томондан, субминтақа давлатлари Шимол ва Жануб, Шарқ ва Гарб ўртасидаги савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу иқтисодий нуқтаи назардан жуда фойдали. Бошка томондан эса, муаммоли исломий мамлакатлар – Афғонистон, Эрон ва Покистон ўртасида жойлашган.

Албатта, Афғонистондаги бекарор вазият, чегарадош давлатларда безовталик уйғотди ва чегара хавфсизлиги муммосини вужудга келтириди [2]. Хусусан, Ўзбекистон Афғонистон билан 137 километрлик чегаранинг хавфсизлигини таъминлаш учун Сурхондарёда маҳсус оператив штаб ташкил қилиниб, Республиканинг бошқа ҳудудларидан қўшимча кучлар жалб этилди.

Бошқа минтақа давлатлари, хусусан Тожикистон ва Туркманистон ўз ҳарбий кучларини жанговар шай ҳолатда ушлаб туради ва Афғонистон билан чегара ҳудудларига қўшимча ҳарбий кучларни жойлаштирган.

Бундан ташқари, 2021 йилнинг август ойида, жанговар шайликни ошириш мақсадида Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия иштирокида ҳарбий ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Сентябрь ойида эса, ШХТ доирасида

«Тинчлик миссияси-2021» номи остида янги ҳарбий тайёргарлик машғулотлари бўлиб ўтди [3].

Кўплаб тахминлар ва хавотирларни юзага келтираётган муаммо бу қочқинлар муаммоси бўлди. Бироқ, Афғонистондан иммиграция оқими анча аввал бошланган эди ва шу вақт мобайнида афғонлар Марказий Осиё давлатларига оммавий кўчиб ўтиш ўрнига улар Афғонистоннинг бошқа қўшнилари: Покистон ва Эронга чиқиб, ўша ердан Европа давлатларига ўтишга ҳаракат қилдилар.

2020 йилнинг статистикасига биноан, энг кўп афғон қочқинлари Европа Иттифоқи, Австралия ва Буюк Британияга кўчиб ўтган [4].

Марказий Осиё давлатлари ва Россия эса жуда катта миқдорда қочқинларни қабул қилиш тўғри деб билмади. Шунинг учун минтақа мамлакатлари раҳбарлари қочқинларни қабул килмасликларини билдирилар. Фақатгина, Тожикистон «вақтинча» минглаб қочқинларга у ердан бошқа давлатларга кетиш учун Кўлоб шаҳридаги аэропортда қолишга рухсат берди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолатда айтиш мумкинки, минтақага хавф туғдирадиган ягона бир муаммо бу – терроризм. Минтақа давлатлари билан ўтказилган барча музокараларда толиблар Марказий Осиё давлатларига таҳдид қилмаслигини эълон қилган. Бироқ бу ваъдаларни бажара олиш қобилияти кўплаб саволлар туғдириши аниқ ва кутилган ҳолатdir. Айниқса, .сўнгги йиллардаги бир неча террорчилик ҳаракатлар бундай хавотирни асослайдигандек кўринади.

Масалан, 2019 йил 6 ноябрь Тожикистон Конституция кунида, Тожикистон расмийларининг маълумотларига кўра, ИШИД жангарилари Афғонистондан мамлакатга кириб келишган ва деярли 300 км масофани босиб ўтиб, Ўзбекистон билан чегарадаги Ишкобод чегара постига хужум қилмокчи бўлишган. Ушбу воқеадан бир йил олдин, 2018 йилда тожик тоғларида тўрт нафар хорижлик сайёх ўлдирилган. Икки ҳолатда ҳам ИШИД жавобгарликни ўз зиммасига олган. Ҳукумат тахминларига кўра, бу хужумлар

расмий афғонлар эмас, балки маҳаллий радикаллар томонидан амалга оширилаётганлиги маълум қилинди.

Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам терактлар содир этилган. Масалан, 2016 йил июнь ойида Қозогистоннинг Ақтубе шаҳрида бир гурух террорчилар ўткинчиларга ўқ узиб, полиция бўлимига ҳужум қилиши натижасида 25 киши ҳалок бўлган. Шу билан бирга, Бишкеқдаги шов-шувли теракт 2016 йилнинг августида содир бўлган. Террорчи Хитой элчихонаси дарвозасига бориб урилиб, ўзини портлатиб юборган.

Таъкидлаш жоизки, террористик таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ўз хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши бўйича устувор стратегиясини ишлаб чиқди [5]. Чора-тадбирларни ишлаб чиқишининг биринчи босқичида асосий эътибор терроризмнинг турли қўринишларига, маъмурий ва жиноий жавобгарлик тизимини шакллантиришга, шу жумладан норматив-хукукий базани мустаҳкамлашга, хукуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини такомиллаштиришга, терроризмга қарши кураш соҳасида одил судловни самарали бошқаришга қаратилди.

Мамлакатимиз биринчи марта 1999 йилда халқаро терроризм актларига дуч келди, террорчилик фаолиятининг чўққиси 2004 йилда содир бўлди [6]. Масалан, 2004 йилнинг 28 март – 1 апрелида Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида террорчилик ҳаракатлари амалга оширилди. Уларнинг қурбонлари хукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари эди.

Бундан ташқари, бир неча ўзбекистонликлар қўшни Афғонистондаги террористик гуруҳларга қўшилиб, кейинчалик вазиятни бекарорлаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудига бостириб киришга уринди

Хавотирли вазият зудлик билан катъий жавоб беришни талаб қилди. Ўзбекистон жамоавий минтақавий хавфсизликнинг асосий ташаббусларини илгари суриб жамият, давлат ва умуман минтақада барқарорликни таъминлаш тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширди.

Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсий фаолияти натижасида терроризм ва бошқа бузғунчи фаолиятга қарши биргаликда курашишдан манфаатдор давлатлар билан қатор икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ва битимлар тузилди [7]. Хусусан, 2000 йили Тошкентда Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида "Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича биргалиқдаги ҳаракатлар тўғрисида" битим имзоланди.

Сўнгги 10 йил ичida Ўзбекистонда бирорта ҳам террористик хужум амалга оширилмаганлигига қарамай, мамлакат фуқароларининг Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлардаги иштироки, шунингдек, АҚШ, Швеция ва Туркиядаги террористик ҳаракатларга ўзбекистонлик муҳожирларнинг жалб қилиниши – муаммога бошқа томонлама ёндашишга ундали ва бу борада бир қатор чора-тадбирлар кўриб чикилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда терроризмнинг тарқалишига ёрдам берадиган шарт-шароитлар ва сабабларни оператив аниқлаш ва бартараф килиш тизими йўлга куйилди.

Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларининг концептуал қайта кўриб чиқилиши қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олди:

Биринчидан, Мудофаа Доктринаси, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида", "Ички ишлар органлари тўғрисида", "Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида", "Миллий гвардия тўғрисида" каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши терроризмга қарши курашни олдини олишнинг хукуқий асосларини мустаҳкамлаш имконини берди.

Иккинчидан, инсон хукуқларини ҳурмат қилиш ва қонун устуворлиги Ўзбекистонда терроризмга қарши курашнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Терроризмга қарши курашда ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар миллий қонунчиликка ҳам, давлатнинг халқаро хукуқ бўйича мажбуриятларига ҳам мос келади [8].

Учинчидан, ижтимоий реабилитация амалга оширилмокда, экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган ва ўз хатоларини англаб етганларни одатий ҳаётга қайтариш борасида тизимли ишлар олиб борилмокда.

Зўравонликка асосланган экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларда айбланган адашган шахсларни декриминаллаштириш, маънавий онгини ошириш чоралари кўрилмокда.

Диний экстремистик ҳаракатларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишдаги яна бир муҳим қадам “авф этиш актларини қўллаш амалиёти бўлди”. 2017 йилдан бери ушбу чора экстремистик жиноятлар учун жазо ўтаётган 4 мингдан ортиқ шахсга нисбатан қўлланилган. Афв этиш акти қонунни бузган шахсларни ахлокий ва психологик тузатиш учун муҳим рағбат бўлди. Уларни жамиятга, оиласа қайтариш ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиларига айлантириш имкониятини берди.

Тўртинчидан, терроризмнинг тарқалиши учун қулай шароитларни бартараф этиш чоралари кўрилиб чикилди. Шундай қилиб, сўнгги йилларда ёшлар ва гендер сиёсати кучайтирилди, шунингдек, зўравон экстремизмга қарши заифликни камайтириш ва террорчиларнинг диний таълимига хам чек куйилди. Барқарор ривожланиш, ижтимоий адолат, шу жумладан қашшоқликни камайтириш ва ижтимоий интеграция соҳасидаги ташабbusлар амалга оширилди.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олиб, 2016 йилда "Давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Қонунга мувофиқ, ёшларнинг ўзлигини англаши, сифатли таълим олиши ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун шарт-шароит яратилмокда [9]. Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш агентлиги фаолият кўрсатиб, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ота-онаси диний экстремистик ҳаракатлар таъсирига тушиб қолган болаларни қўллаб-куватлаш бўйича

тизимли ишлар олиб бормоқда. Биргина 2017 йилда ана шундай оиласардан 10 мингга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Бешинчидан, терроризмга қарши кураш парадигмасини қайта қўриб чиқиши ҳисобга олган ҳолда, ихтисослашган кадрлар тайёрлаш механизmlари такомиллаштирилмоқда. Терроризмга қарши курашда иштирок этадиган барча хуқукни муҳофаза қилиш идораларида ихтисослашган академиялар ва институтлар мавжуд [10].

Шу билан бирга, нафақат хуқук-тартибот ходимлари, балки диний кадрларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда халқаро Ислом Академияси, Имом Бухорий халқаро тадқиқот марказлари, шунингдек, Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашиш ва инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати бир-бирига зид бўлмаган, аксинча, бир-бирини тўлдирадиган ва мустаҳкамлайдиган тизимдир. Бу терроризмга қарши курашишга қаратилган сай-харакатларни, принциплар, нормалар ва мажбуриятларни ишлаб чиқиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Хозирги вақтда замонавий террорчилик ҳаракатларининг ва фаолият кўламининг кенгайиши натижасида юзага келаётган реал таҳдид ва хавфлар даражасининг ўсиб бораётганлиги бир қатор мамлакатларнинг ички сиёсий ва ижтимоий-иктисодий вазиятини издан чиқариб, инсониятга фожиали зарар келтириш хавфи сақланиб турибди. Ҳақиқатдан ҳам, замонавий терроризм барча миңтақаларда намоён, глобал жараёнларга таъсири кучли, ҳудудий ва миллий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солмоқда. Шунинг учун замонавий терроризмнинг олдини олишда террорчилик гурухларига кишиларни сўнгги босқичда жалб этилиши механизмини ўрганмай туриб, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарасини ошириб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан хозирги кунда террорчи шахси ва террорчилик хатти-ҳаракатларини юзага келтирувчи психологик механизmlар тўлиқ ўрганилиб чикиши, мақсадга мувофикдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида терроризмнинг ўзгарувчан шакллари, объектлари ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши кураш стратегиясини замонавий таҳдид ва хавфхатарларга мослаштирган ҳолда, ҳуқуқий маданиятни, маънавий ва диний маърифатни ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш орқали одамлар, биринчи навбатда, ёшлар онгида рационал фикрлаш борасида туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар олиб борилмокда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. <https://news.un.org/ru/story/2021/07/1406362>;
2. [https://e-cis.info/news/568/95008/?sphrase\\_id=23927](https://e-cis.info/news/568/95008/?sphrase_id=23927);
3. [http://rus.sectsco.org/archive\\_news/20210929/782852.html](http://rus.sectsco.org/archive_news/20210929/782852.html);
4. [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics\\_explained/index.php?title=Asylum\\_quarterly\\_report#Decisions\\_on\\_asylum\\_applications](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics_explained/index.php?title=Asylum_quarterly_report#Decisions_on_asylum_applications);
5. <https://mfa.uz/>;
6. <https://www.gumilev-center.ru/afganistan-geopoliticheskijj-klyuch-ot-evrazii>;
7. <http://csef.ru/ru/ekonomika-i-finansy/340/afghanistan-v-geopolitical-izmerenii-bezopasnosti-evrazii-5928>;
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/markaziy-osiyo-minta-asi-havfsizlikka-tahdid-manbalari-va-ularga-arshi-kurashish-choralari>;
9. [https://minjust.uz/upload/iblock/0c0/pravo\\_uz.pdf](https://minjust.uz/upload/iblock/0c0/pravo_uz.pdf);
10. <https://uzdaily.uz/ru/post/61090>.